

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҶОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

2-2021

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Муассис: Фарғона давлат университети.
«FarDU. ILMİY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журналі бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайни ва оригинал макет ФарДУ таҳририят-нашриёт бўлимида тайёрланди.

Таҳририят ҳайъати

Бош муҳаррир
Масъул муҳаррир

МАКСУДОВ Р.Х.
ЎРИНОВ А.А.

ФАРМОҒОНОВ Ш. (Ўзбекистон)
БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)
РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)
ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК. (Туркия)
ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHANZADAN NAYYAR. (Япония)
LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)
АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)
КЛАУС ХАЙНСГЕН. (Германия)
БАХОДИРХОҒОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)
БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)
КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)
ЧЕСТМИР ШТУКА. (Словакия)
ТОЖИБОВ К. (Ўзбекистон)

Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)
ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)
ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)
РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)
ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)
ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)
ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)
ХОМИДОВ Ғ. (Ўзбекистон)
АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)
ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)
ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)
ҚЎЗИЕВ Р. (Ўзбекистон)
ХИКМАТОВ Ф. (Ўзбекистон)
АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)
СОЛИЖОНОВ Й. (Ўзбекистон)
МАМАЖОНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСОҚОВ Э. (Ўзбекистон)
ИСКАҒДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)
МЎМИНОВ С. (Ўзбекистон)
ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)
КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)
САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)
ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)
ҒОҒУРОВ А. (Ўзбекистон)
АДҒАМОВ М. (Ўзбекистон)
ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)
ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)
ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)
УСМОҒОНОВ Б. (Ўзбекистон)
АШИРОВ А. (Ўзбекистон)
МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)
ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)
БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

Муҳаррир: Ташматова Т.
Жўрабоева Г.

Мусахҳиҳлар: Шералиева Ж.
Мамаджонова М.

Таҳририят манзили:

150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-80
Сайт: www.fdu.uz

Босишга рухсат этилди: 02.07.2021

Қоғоз бичими: 60×84 1/8

Босма табағи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма № 49

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

Фарғона,
2021.

М.Умурзақова	
Туркистонда ягона қишлоқ хўжалиги солиғининг жорий этилиши: муаммолар ва ечим	167
Ҳ.Жўраев, Х.Мадазимов	
Образли ибтидоий тасаввурлардаги муштарак жиҳатлар	170
М.Юсупова	
Ўзбек шеърлятида Навоий образи	172
Ю.Каримова	
“Лисонут-тайр” достонида фольклор аънаналари	175
М.Омонова	
Эркин Самандарнинг “Тангри қудуғи” тарихий романида аънавий мотив ва тимсолларнинг ўрни	179
Ҳ.Раҳматжонова	
Сатирада ижтимоий руҳ ифодаси	182
Ш.Каримова	
Девин Девис – шарқ адабиёти тадқиқотчиси	184
С.Олимжонов	
Роман поэтикаси ҳақида баъзи қарашлар (Улуғбек Ҳамдам ва Эрих Мария Ремарк романлари мисолида)	187
Д.Юлдашева	
Болалар шеърли матнларида мазмуний перцепциянинг ифодаланиши	191
Н.Умарова	
Навоий қўллаган рўмол тушунчали сўзлар этимони	194
И.Ҳабибжонов	
Форс-тожик тилидан ўзлаштирилган солиқ-божхона терминлари	197
А.Зинатуллина	
Ўзбек ва француз тилларидаги мураккаб гаплар ва уларнинг хусусиятлари	200
Н.Сабирова	
Социоллингвистик тадқиқотлар ва уларнинг ривожланиш босқичлари	203
Д.Газиёва, М.Қўшматова	
Иборашунослик нуқтаи назаридан маданиятлараро ўзаро тушуниш хусусида	208
И.Деҳқонов	
Француз, ўзбек ва рус тилларида содда нутқнинг қиёсий таҳлили: таржимада лексик эквивалент топиш муаммоси	212
Д.Махаметова	
Хорижий тилни ўргатишда инновацион технологиялар	215
Х.Марипова	
Немис тилида фразеологик бирликларнинг миллий-маданий хусусиятлари ва уларнинг синонимларини ўзбек тилида берилиши	219
Г.Сайдалиева	
Тилшуносликда абсолют синонимларнинг ўрни	222
С.Юлдашев	
Замонавий таълим тизими ва унинг омиллари	226
Ж.Оришев	
Таълим жараёнида лойиҳали таълим усулидан фойдаланиш афзалликлари	228
Ш.Арипов	
Ўғил болаларни оилавий муносабатларга тайёрлашда мактаб, маҳалла ва оналар ҳамкорлиги	232
Н.Хошимова	
Гендер тили тадқиқида фалсафий қарашлар	236
А.Мухиддинов	
Тилнинг семантик майдонини когнитив тилшунослик доирасида талқин этилиши	239
ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ	
ИЛМГА БАХШИДА УМР	243

УДК: 89+49+4-72+416.11

ДЕВИН ДЕ УИС – ШАРҚ АДАБИЁТИ ТАДҚИҚОТЧИСИ

ДЕВИН ДЕ УИС – ИССЛЕДОВАТЕЛЬ ВОСТОЧНОЙ ЛИТЕРАТУРЫ

DEVIN DEWEESE IS A RESEARCHER OF EASTERN LITERATURE

Каримова Шаҳноза¹¹Каримова Шаҳноза

– ТошДЎТАУ магистранти

Аннотация

Мақолада мусулмон Шарқ адабиётини ҳар жиҳатдан ўрганган АҚШдаги Индиана университети профессори, шарқшунос олим Девинде Уис тадқиқотлари таҳлил қилинган. Профессор Девинде Уиснинг ўз тадқиқотида “Фунунул-балоға” асари ёзилган давр, унинг тили, қўлёзматарихи хусусида махсустаҳдрили, рисолааниёушадаврадабиймуҳитидаги вабуғункиқундаги аҳамиятини белгилашга интилиши, ўз қарашларини асослаш учун рисолааниёушадаги парчаларини инглиз тилига таржима қилиб, иқтибос сифатида келтирилганлиги кўрсатилган.

Аннотация

В статье анализируется исследование Девина Девиса, профессора востоковедения Университета Индианы в США, который изучал мусульманскую восточную литературу во всех её аспектах. В статье показано, что профессор Девин Девис в своём исследовании провёл специальный анализ периода написания “Фунун ал-балага”, его языка, истории рукописи, стремился определить значение брошюры в литературной среде того времени и в наше время. Для обоснования своих взглядов, он перевел некоторые части брошюры на английский язык и процитировал их.

Аннотатион

This article analyzes the research of Devin Deweese, an orientalist and professor at Indiana University in the United States who has studied Muslim Oriental literature in all its aspects. The article reveals the professor Devin Deweese's analysis of the period in which “Funun al-balaghah” was written, its language, the history of manuscript, his attempt to determine the significance of the manuscript in the literary process of that time and today. To substantiate his views, he has translated some parts of the manuscript into English and quoted it.

Таянч сўз ва иборалар: Бобо Туклес, қўлёзма, колофон, “Фунун ул-балоға”, аруз.

Ключевые слова и выражения: Баба Туклес, рукопись, колофон, “Фунун ал- балага”, аруз (просодия).

Key words and expressions: Baba Tukles, manuscript, kolofon, “Funun al-balaghah”, aruz (prosody).

Мусулмон Шарқ адабиётини ҳар жиҳатдан таҳлил қилиш, унинг тил имкониятлари ва бадиий асар хусусиятларини ўрганиш Ғарб адабиётида ҳам кенг оммалашган. Хусусан, И.В.Стеблева, Ҳ.Блошман, Э.Бирнбаум ҳамда Девин де Уислар мазкур адабиётни ўрганган олимлар сирасига киради. Биз сўз юритмоқчи бўлган АҚШдаги Индиана университети профессори, шарқшунос олим Девин де Уис фаолиятига назар ташлайдиган бўлсак, тадқиқотчи 1985-йилда Индиана университетида докторлик диссертациясини ёқлайди ва шу вақтдан бошлаб, Марказий Осиёда ислом дини, хусусан, сўфийлик ва унинг сиёсий ва ижтимоий йўналишлари бўйича тадқиқотларини давом эттиради. Форс, араб ва туркий қўлёзмалардан фойдаланган ҳолда бутун дунё бўйлаб тинимсиз изланишлар орқали тўплаган манбаларидан фойдаланиб, Марказий Осиё дини ва тарихи бўйича йирик тадқиқотларни нашр эттиради.

Девин де Уис олиб борган изланишлар Ўрта Осиё халқлари маданияти, тафаккур тарихи ва адабиётини тадқиқ қилганлиги билан

аҳамиятли бўлиб, уларда кўзда тутилган муаммонинг қўлёзма манбалар асосида таҳлил қилиниши муаллифларнинг бадиий-эстетик тафаккури, поэтик мақсадларини тушунишга, тушунтиришга ёрдам беради ва уларнинг қўлёзма аъналарини ва хусусиятларини ўрганишга кўмаклашади. Бу, албатта, қўлёзманинг махсус таҳлил қилинганлиги ва унинг мазмун-моҳияти етарлича очилганлигидан далолатдир. Девин де Уиснинг тадқиқ усуллари ва тадқиқот объектларини Юрген Пол, адиб Холид, Роберт Д. Маккесни, Жо-Энн Гросс, Аширбек Мўминов, Мария Субтелний, Беатрис Форбес Манз ва Стефан А.Дудуанион сингари олимлар билан қиёслаш мумкин. Ўзларидан олдинги тадқиқот олиб борган жуда кам сонли марказий осиелик олимлар сингари, ушбу мутахассислар ҳам араб, форс ва туркий тилларда бирдек осонлик билан ишлай олганлар, шунингдек, ислом ва исломий оламнинг тушунчалари ва амалиётларини, мўминларнинг ўз қарашларини изоҳлайдиган, тушунтирадиган тадқиқот услубларини ишлаб чиққанлар.

Девин де Уиснинг энг машҳур асари – “Олтин Ўрдадаги исломлаштириш ва маҳаллий дин: Бобо Туклес ва тарихий-эпик анъаналарида исломни қабул қилиш” (“Islamization and Native Religion in the Golden Horde: Baba Tukles and Conversion to Islam in Historical and Epic tradition”) деб номланган бўлиб, мазкур асар 1994-йилда нашр этилган. Адиб ижодида бундан ташқари ҳам бир қанча тадқиқотлар мавжуд бўлиб, биз у орқали Шарқ адабиёти ва унинг ўзига хос жиҳатлари билан танишишимиз мумкин.

Олимнинг алоҳида асар таҳлиliga бағишланган “Навоийнинг салафлари Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозийнинг асарида: XII асрдан буён Марказий Осиё маданиятшунослигида унутилган манба” (“The Predecessors of Navoi are here by Sheikh Ahmad b of "Funun al-balaghah." Xhudaydad Tarazi: a neglected source on Central Asia literary culture from the fifteenth century”) номли тадқиқоти мавжуд. Мазкур изланиш мавзуси айнан Шайх Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ул-балоға” асарига бағишланганлиги ва ғарб шарқшуносининг ўрта аср Мусулмон Шарқи адабиёти ва маданияти ҳақидаги маълумотларини ҳам ўзида жамлайди.

Даставвал, Девин де Уис ўз тадқиқотида асар ҳақидаги умумий маълумотларни ёзади. Шунингдек, рисолаи теурийлар давридаги адабий ва маданий ҳаёт ҳақида маълумот берувчи манба сифатида баҳолайди. Тадқиқотнинг “Қўлёзма, муаллиф ва ижод” (“Тҳе Мануссрипт, тҳе Аутҳор, анд тҳе Ворк”) деб номланган фасли мавжуд бўлиб, бунда олим қўлёзма сақланаётган манзил, унинг ҳолати, қўлёзмани кўчирган котиб, рисола муаллифи ва асардаги илмийлик юзасидан ҳам муҳим маълумотларни бериб ўтади. Девин Де Уиснинг ёзишича, ҳозирги кунда Шайх Аҳмад Худойдод Тарозий қаламига мансуб “Фунун ул-балоға” асарининг фанга маълум ягона қўлёзмаси Лондон шаҳрида, Оксфорд университети қошидаги Бодлиан кутубхонасида Элиотт 127 рақами остида сақланган бўлиб, қўлёзма 139 саҳифадан иборат. Асар матни 16-саҳифадан бошланган бўлиб, 139а-саҳифада узилиб қолган. Қўлёзма колофонида келтирилган маълумотларга таянадиган бўлсак, асар ҳижрий 989, милодий 1581-йилда бухоролик хаттот Мир Ҳусайн Куланги Бухорий томонидан кўчирилганлиги ҳақида маълумот олишимиз мумкин. 1930-йил мазкур рисола ҳақидаги илк маълумот шарқшунос олим Ҳерманн Эзе томонидан тузилиб, Оксфорддаги “Каларендон Пресс” нашриётида чоп қилинган “Бодлиан

кутубхонасида сақланаётган форсий, туркий, ҳиндий ҳамда пушту қўлёзмалари каталоги”нинг иккинчи қисмида учрайди. Унда асар номи, Мирзо Улуғбекка бағишланганлиги, 1225-устунда №-127 рақами остида сақланаётганлиги ҳақида қисқагина айтиб ўтилган. Элеазар Бирнбаум томонидан 1984-йилда ёзилган “Туркий қўлёзмалар: 1960-йилдан буён рўйхатга олинган ва рўйхатга олинмаган қўлёзмалар” асарининг тўртинчи қисмида ҳам ушбу қўлёзма ҳақида маълумот олиш мумкин. 2003-йилга келиб эса Ҳерманн Эзенинг каталоги асосида Гунай Кут ҳам “Фунун ул-балоға” ҳақида ёзилган, лекин унда асар ҳақида умумий маълумот бериш билан чекланилган.

Тадқиқотчи ўзбек олимлари томонидан “Фунун ул-балоға”нинг чоп этилганлиги ва ўрганилганлигини ҳам қайд этиб, профессор А.Ҳайитметовнинг “Адабиётдан туркийда биринчи назарий қўлланма”, “Тарозий қомуси” ҳамда профессор Т.Мирзаев билан ҳаммуаллифликда ёзган “Олимнинг ноёб тухфалари” мақолалари билан танишиб чиққанлигини қайд этади. Афсуски, олим ушбу мақолалардан ўзига керакли маълумотларни учратмаганлигини қайд этади, амалга оширилган нашрда ҳам кўплаб нуқсонлар борлигини эътироф этади. Унга кўра, асарнинг факсимилеси ёки араб алифбосида кўчирилган варианты илова қилинмасдан, фақат кирилл алифбосида чоп этилиши жиддий камчилик ҳисобланиб, бу рисолаининг аслият руҳини ҳис қилишга ҳалал беради. Қолаверса, қўлёзма нусхасининг 122–138-саҳифалари ўқилиш қийин бўлгани учун нашрда кўрсатилмаган. Шунингдек, нашрда қўлёзма саҳифалари чалкаштириб юборилган, яъни 2а- саҳифа 2б деб, 2б-саҳифа 3а- деб кўрсатилган ва ҳоказо. Гарчи, бу жиддий илмий хато ҳисобланса-да, дейди Д.Де Уис, нашрдан асарнинг моҳияти ҳақида умумий маълумот олиш мумкин.

Муаллиф асарнинг Мирзо Улуғбекка бағишлаб ёзилганини айтиб, Алишер Навоий ҳам, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам шайх Аҳмад Худойдод Тарозийни олим сифатида тилга олмаганлигини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтади, бироқ Бобур “Рисолаи аруз” асарида Тарозий деган шоирнинг бир байтини келтирган. Айнан ушбу байтни “Фунун ул-балоға” (114б-саҳифа)да жузъий фарқлар билан келтирилганлигини кўриш мумкин. Яна шу масала ҳам борки, унда муаллифи кўрсатилмаган. Қизиги шундаки, Тарозий ва Бобур мазкур байтни мутлақо бошқа-бошқа вазнларга мисол тариқасида бериб ўтади. Бу ҳолат шуни кўрсатадики, дейди де Уис, Бобур мазкур байтни ё Тарозийнинг “Девон”идан

олган ёхуд “Фунун ул-балоға”нинг бошқа нусхасидан фойдаланган.

Олим тадқиқотлари давомида Тарозий номи ўз даврида ва ундан сўнг яратилган манбаларда тилга олинганмикан деган қарашни илгари суради. Сўнг Толеъ Ҳиравийнинг “Бадозъ ул-луғат”, муаллифи номаълум “Абушқа”, Маҳди Хоннинг “Санглоҳ”, Хожи Халифанинг “Кашф уз-зуннун” асарларида ҳам Тарозий ва унинг “Фунун ул-балоға” асари ҳақида маълумот учрамаслигини ҳам эътироф этади, Бироқ Девин де Уис Тарозийнинг форс ҳамда араб адабиёти ва адабиётшунослигининг билимдони бўлганлигини айтиб, асарда хоразмлик олим Маҳмуд Замахшарийнинг “Арузи Қустос”, Абул Жайш Андалусийнинг “Арузи Андалусий”, Насириддин Тусийнинг “Меъёр ул-ашъор” асарларидан фойдаланганлиги, араб ва форс шеърятидан келтирилган иқтибослар бунга исбот бўла олишини таъкидлайди.

Д. Де Уис Тарозий ўз асарида туркий тилга хос хусусиятларни ҳам алоҳида таъкидлаб кўрсатганлигини айтиб, қўлёзманинг 91б-саҳифасидаги “Билгилки, туркий лафзда баъзи ерда “коф” ва “нун” бир ҳарф сонидан саналур, агарчи китобатда икки ҳарф битилур”- жумласини мисол сифатида бериб ўтади.

Девин де Уис “Фунун ул-балоға” қўлёзмасининг салкам ярмини, яъни 76б–139а саҳифаларини арузшуносликка доир матн ташкил қилишини таъкидлар экан, Шайх Аҳмад

Тарозий мазкур қисм учун кичик муқаддима ёзганлигини айтиб, уни ҳавола қилади ва иловада эски ўзбек ёзувида кўрсатади, сўнг рақамланмаган фасллар келишини маълум қилади, фаслларнинг қўлёзмадаги саҳифаларини келтирган ҳолда уларни қуйидагича шарҳлайди: “биринчи фасл (77а-саҳифа) олтига унсурни (бу усул деб аталади), иккинчи фасл (77б-саҳифа) ушбу усуллардан пайдо бўлган саккизта рукни (бу аркон деб аталади, учинчи фасл (78а-саҳифа) ушбу арконда солима (соғлом рукн) ҳисобланган саккиз рукн ҳамда улардан пайдо бўлган зиҳофотларни ўзида акс эттиради. Кейин баҳрлар рўйхатини келтириб (78а-80б-саҳифалар), тўртинчи фасл (80б-саҳифа) қисқача кириш ва ўз режасини тушунтиришдан бошлайди.

Хулоса қилиб айтганда, профессор Девин де Уис ўз тадқиқотида “Фунун ул-балоға” асари ёзилган давр, унинг тили, қўлёзма тарихи хусусида махсус тўхталиб, рисоланинг ўша давр адабий муҳитидаги ва бугунги кундаги аҳамиятини белгилашга интилади, асарнинг сақланиб қолган ҳар бир қисмини алоҳида шарҳлашга, моҳиятини очиб беришга уринади, ўз қарашларини асослаш учун рисоланинг баъзи парчаларини инглиз тилига таржима қилиб, иқтибос сифатида келтиради ҳамда уларни тадқиқот сўнгида эски ўзбек алифбосида илова қилади. Зеро, олимнинг олиб борган бу каби изланишлари келгусида ҳам қилиниши мумкин бўлган шу каби тадқиқотлар учун замин вазифасини ўтайди.

Адабиётлар:

1. Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунун ул-балоға (Бодлиан кутубхонасида сақланувчи Elliott №-127 рақамли қўлёзма).
2. Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунун ул-балоға. – Т.: Хазина, 1996.
3. Devin DeWEESE. The Predecessors of Nava'i in the "Funun al-balaghah" of shaykh Ahmad b. Khudaydad Tarazi: a neglected source on Central Asian literary culture from the fifteenth century / "Journal of Turkish studies", edited by Sinasi Tekin, 2005, volume 29..
4. Рустамов А. Аруз ҳақида суҳбатлар. – Т.: Фан, 1972.
5. Юсупова Д. Арузга доир туркий рисоаларнинг хорижда ўрганилиши / Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари мавзусидаги халқаро конференция материаллари. – Т.: MASHNUR-PRESS, 2018. .
6. Юсупова Д. Темурийлар давридаги арузга доир рисоаларнинг қиёсий таҳлили. Монография. – Т.: Ta'lim-media, 2019.

(Тақризчи: А.Қосимов – филология фанлари доктори).